

ФИТНАЛАРДАН ОГОҲ БЎЛАЙЛИК!

Мухтарам жамоат! Барчамиз Аллоҳ берган беҳисоб неъматларга шукр қилган ҳолда бир-бирларимизга ўзаро насиҳат қилиш, уламоларимиз айтган панду насиҳатларига рағбат кўрсатиб ва уларга амал қилиб боришимиз лозимдир. Ўрталаримизда амри маъруф, нахий мункар, мусибатларга сабр қилиш, аҳли сунна ва жамоа билан бир сафда бўлиш, бир-биримизга меҳр-шафқат, меҳрибонлик ва мурувватпарварлик руҳида яшамоғимиз керак. Дунё ва диндаги фитна, алдов, ёлғон, тухмат, ҳасад каби иллат ва гуноҳлардан сақланишимиз эса ўта зарурдир. Шунда барчаларимиз дунё ва охират яхшилигига эришиб, муваффақият ва нажот топувчилардан бўламиз, инша Аллоҳ.

Аллоҳ таоло бизни турли фитна ва фитначилардан доимо эҳтиёт бўлишга чорлаб ўзининг Каломида шундай амр етади:

وَاتَّقُوا فِتْنَةً لَا تُصِيبَنَّ الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْكُمْ خَاصَّةً وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ

“Сизлардан фақат золимларгагина хос бўлмаган (балки ҳаммаларингизга оммавий бўладиган) фитна (азоб)дан сақланингиз ва билиб қўйингизки, Аллоҳ жазоси қаттиқ (зот)дир”.

Имом Зайнуддин Биркивий раҳимахуллоҳ “Ат-Тарика Ал-Муҳаммадия” асарида “Фитна”га таъриф бериб, жумладан шундай дейдилар: “Фитна деб — одамларни изтироб, ихтилоф, машаққат ва балога гирифтор қилишга айтилади. Масалан халқни боғийликка ташвиқ қилиш, подшога қарши чиқишга тарғиб қилиш, ваъз айтишда тингловчиларнинг савиясини ҳисобга олмасдан тушунмовчилик келтириб чиқарувчи мураккаб тилда гапириш каби ҳолатлар умуммаънода фитнага мисол бўлади”.

Мўмин-мусулмон киши омма олдидаги ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларида эҳтиёткор бўлса, гапираётган гапларини ўйлаб гапирса фитнадан ҳоли бўлади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

وَلَا تُطِيعُوا أَمْرَ الْمُسْرِفِينَ الَّذِينَ يَفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ وَلَا يُصْلِحُونَ

“Ҳаддан ошувчиларнинг амрига итоат етмангиз! Улар ер юзида бузғунчилик қилурлар ва (ҳеч нарсани) ислоҳ қила олмайдилар”.

Ҳар бир мусулмон турли фитна, фасод ишлардан, бузғунчилик, динда фитнага тушиш, хусусан бир жамиятда яшовчи инсонлар ўртасида тафриқа солиш, бузғунчи фикр ва ботил ғояларни тарқатиш каби ношаръий амаллардан эҳтиёт бўлиши зарур. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшовчи барча халқлар билан тинч-тотув яшашга интилишимиз, оила, фарзанд тарбиясида муҳим бўлган одоб-ахлоққа риоя этишимиз керак.

Буюк мужтаҳид имомлардан бири Имом Аҳмад ибн Ҳанбал шогирдларидан бирини фитналардан огоҳлантириб, шундай деган эканлар: “*Бирор фитнага на қўл билан, на тил билан ёрдам берма. Лекин қўлингни, тилингни ва нафсу-ҳавойингни тий. Қолганига Аллоҳ ёрдамчинг бўлади*”, деганлар (“Табақотул ҳанабила” китобидан).

Аллоҳ таоло барчаларимизни турли фитна-фасод ва ихтилофлардан сақласин! Юртимизни ва динимизни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан пок сақлаб, Ўзининг ҳифзу ҳимоясига олсин! Омин!

